3) Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 242-моддасида кўрсатиб ўтилган шахарча, қишлоқ ва овул фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссияларнинг, воёга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссияларининг, ички ишлар органларининг, давлат инспекцияси органлари ва ушбу Кодекс билан ваколат берилган бошқа органларнинг жарима солиш тўғрисидаги қарорлари тушунилиши керак.

Ана шу кунлар учун ҳақ ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом этти-

ришни рад этганлиги сабабли, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан, ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан, ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга қақририлиши ёки шу ишни илгари ба-

ойлик иш ҳақининг 30 ва 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда қўлланилган жаримани ундириш учун. Иш берувчи ҳам, ходим ҳам ушбу қонун талабини ёддан чиқармасликлари керак: иш ҳақини хар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Меҳнат Кодексининг 279-моддасига асосан иш берувчи томонидан ихтиёрий равишда тўланган, шу жумладан, қонуннинг нотўғри қўлланиши оқибатида тўланган ортиқча иш ҳақи қайта ундириб олинишига йўл қўйилмайди.

Ходимга у берган ёлгон маълумотлари ёки тақдим этган сохта ҳужжатлари оқибатида тўланган ортиқча маблағ ундан суднинг қарори ёки ҳукми асосида ундириб олинади.

Амалётда ходимнинг меҳнат ҳақини бошқа шахсга, яқин қариндошларига қассий томонидан бериш ҳоллари учраб туради. Лекин у қонунга зиддир. Фақат ходим ўзининг меҳнат ҳақини олиш учун бошқа шахсга ишончнома ёзиб берган тақдирдагина у амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 25-26 ва 134-136-моддаларига асосан ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади.

Қонунда кўрсатилмаган барча ҳолларда ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолинишига ва унинг бошқа шахсга берилишига йўл қўйилмайди. Агар Қонун талаблари бузилган бўлса, ходимга унинг меҳнат ҳақи қайтариб берилиши ва айбдор шахсга интизомий, ҳатто маъмурий жазо чораси қўлланилиши мумкин.

6) ходимга интизомий жазо сифатида ўртача



тўланган маблағни қайтариб олиш учун. Бундай ҳолларда ходим авансни қайтариши ёки қарзни тўлаши учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмадан иш берувчи аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақли. Агар бу муддат ўтказиб юборилган ёки ходим бундай ушлаб қолишни асосис деб ҳисобласа, унда қарз ходимдан суд орқали ундирилади. 4) ўз ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан олдин меҳнат шартномаси бекор қилинганда - таътилни ишланмаган даврига тегишли кунлари учун. Ана шу кунлар учун ҳақ ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом этти-



Пайариқ тумани «Жувозхона» маҳалласида 4203 нафар киши истиқомат қилади. Яққа-ёлғиз, кам таъминланган оилаларга маҳалла ҳисобидан кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари, моддий ёрдам ажратилмоқда. Энг муҳими, фуқаролар йиғинида ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун карате, шахмат-шашка ва маҳалла футбол командаси ташкил этилди. Суратда: Маҳалла оқсоқоли Карим Раҳимов(ўртада) аъзолар билан навбатдаги тadbир хусусида фикрлашмоқда. Ф.ХИДИРОВ олган сурат.

ФРАНЦИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН

«Чўқронг» ҳиссадорлик жамиятида Франциянинг «STECA» фирмасидан келтирилган технологик линия билан бир литрлик идишда соатига икки минг донга ўсимлик ёғи қадокланмоқда.

Янги цех фойдаланишига топширилиши тўғрисида маълумот беришга қарамай, Франциянинг «Туркестон-пресс» муҳбирига, - Эндиликда йилга қўшимча равишда 1606 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Догляниб, идишларга қуйилган ёғнинг харидори сөрб. Бунинг сабаби у бошқа ёғларга нисбатан арзонлигида. Янги цех барпо этилган ишчи ўринлари 12 тага қўйилди. Мазкур линия корхонага йилга 100 миллион сўмдан зиёд фойда келтиради.

«БОЛАЖОН»ГА ХОРИЖЛИК ХАРИДОРЛАР

АҚШнинг «Прага» компанияси мутахассислари Чортоқ туманидаги «Болажон» кўп тармоқли хусусий фирмаси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Компания вакиллари Фред Биллербек ва Шейли Маквилемелар корхонада бўлиб, болалар учун ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларига қизиқиш қилишди. Хорижликларнинг эътиборини ушбу озиқ-овқатларнинг табиий маҳсулотлардан тайёрланаётганлиги тортди.

Айни кунларда корхона жамоаси қорақалпоғистонлик болаларга сервистамин маҳсулотлар етказиб берапти. Шунингдек Қўрғонистон ва Қозғистон республикалари ҳамда Россиянинг Красноярск ўлкаси билан ҳам шартномалар имзоланди.

МИНГ ДАРДГА ДАВО

Ривоят қилишларича, қадим замонларда бадавлат бир киши оғир дардга мубтало бўлибди. Кўрсатмаган ҳақими табиби, ичмаган дорсиси қолмабди. Лекин ҳеч ким унинг дардига даво топа олмабди. Шунда бой тақдирга тан бериб, ўлими олдидан рози-ризалик сўраш мақсадида ўз қишлоғи аҳлига дастурхон ёзди.

лик хусусиятлари жуда кўп. Асалари асали ва сақичларидан тайёрланадиган 500 турдан зиёд дори-дармонларнинг халқ табибатида, унинг мўймеъиси (прополис), сути, захридан ишлаб чиқарилаётган биопрепаратларнинг эса замонавий тиббиётда кенг қўлланилаётганлиги бежиз эмас.

Чиндан ҳам асал инсон танасига куч-қувват бағишлайди, умрни узайтиради, - дейди Китоб туманидаги асал етиштириб берувчи ҳўжалик раиси Тўйчи Ҳақимов.

Шифокорларнинг таъкидлашича, асал асаб ва эндокрен тизимлар ишлаши меъёрлаштиради. Шунингдек, у иштаҳасизлик, камқонлик касалликларига ҳам яхши даво ҳисобланади.

Ана шундай табиат мўйжизаси - асал етказиб берадиган ҳўжаликда бугунги кунда 3 минг қути асалари боқилмоқда. Улардан асал олиш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун эса юз нафарга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Айниқса, Сайдали Эсонов, Акрам Худойбердиев, Комил Қодиров, Сайфулла Отамуродов сингари тажрибали асаларичиларнинг меҳнатидан кўпчилик мамнун.

Марям АХМЕДОВА.



Шухратжон тенгдоши Рустамжон билан 11-сонли «Кесканёр» божхона маскани яқинида сизгир ўтлатиб юрарди. Бу ердан чегара чизиги ўтган эмасми, бир асно назоратсиз қолган қорамол қўшни худудга кириб қолади. Бу ҳолат, табиийки, ҳарбий хизматда бўлган Улугбек Менглиев ва унинг ҳамроҳларининг эътиборсиз қолганидир.

Шу пайт Шухратжон чегарачиларга яқинлашиб, сизгирнинг эгаси эканлигини айтди. Ўз шахсини тасдиқловчи паспорт ҳамда қорамолнинг ушбу хонадонга тегишли эканлигини далилловчи маълумотнома билан оила бошлиғи келиши зарурлиги айтилади. Бу эътиёт чора бехуда эмасди. Чунки кейинги пайтларда мол ўғрилари кўпайганди.

Кўп ўтмай хонадон соҳиби Нейматжон Иномжонов чегарачилар ҳузурига етиб келади ва сизгирнинг ўз мулки эканлигини исботловчи қоғозларни тақдим этади. Барибир, мол ўғирлик эмасмикан, деган гумон сизгирнинг тарқ этмайди. Н.Иномжонов Қорасув шаҳар ички ишлар бўлимига тақлиф қилиниб, керакли текширув ўтказилади. Тафтишда Нейматжон Қўрғонтепа туманидаги Жумабоев кўчасида истиқомат қилиши, Қорасув шаҳридаги кўчаларда ишлаб чиқарувчи корхонада ишлаганлиги, қорамолнинг ҳақиқий эгаси эканлиги аён бўлади. Шундай бўлса-да, мол ўз эгасига эмас, масканга, ундан шаҳардаги «Ёшлик» хусусий дўконига топширилади.

Қорасудан кўчирма келтирилади. «1. Фуқаро Иномжонов Н. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Қонуннинг 227-моддаси билан айбли деб топилсин. Энг кам иш ҳақининг 5 баробари - 17.150 сўм миқдорда жазо солиниб, унга тегишли бир беш 129.340 сўмлик қорамол давлат фойдасига мусодара қилинсин».

Кизиги, қарор фуқаронинг иштирокисиз қабул қилинади. Ўз-ўзидан савол туғилади: божхона қонун устуворлигига бевосита жавобгар шахс - суриштирувчи Авазбек Охуннов қонунчи қарорга нисбатан нега томошабинлик қилиб турди? Ёки «сен менга тегма, мен сенга!» деган зарарли одатга амал қилишни маъқул кўрдими? Юртбошимиз халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида худуд шундай ҳолатларни кескин қоралади: «...бундай нуқсонлар, зўраки қарор бекор қилинади. Лекин бу билан машамша тугамайди. Божхоначилар суд қароридан норози бўлиб, Андижон вилоят жиноий ишлар бўлими судига протест киритишди. Ҳақамиш ишни қайта кўриш учун Жалақудуқ туман Ойим судига юборилади. 2002 йил 20 май куни Ш.Абдурахимов раислигида суд мажлиси ўтказилди. Келинг, яхшиши ушбу қарор билан танишайлик: «Суд қуйидагиларга кўра,

Ажаб савдолар

294-моддасига хилоф равишда ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланмасдан кўриб чиқиб ҳал этган». Тировардида суд мажлиси ушбу қарорни бекор қилиши, маъмурий ҳуқуқбузарлик иштини ҳаракатдан тўхтатиш, қонунсиз ундирилган жарима ва сизгирни ўз эгасига қайтариш билан ақунланади.

Хўш, энди сарсонгарчиликларга нуқта қўйилди, адолат тикланди, деб ўйларсиз. Афсуски, ундай эмас. Ҳужжатларда говмиш Қорасув шаҳарлик тизимда инсонларнинг ҳуқуқи ва эркинликлари, манфаатлари қонунлар билан мустаҳкам қамолланган. Суд давлоғари қисман қаноатлантиради. Етказилган маънавий зарар учун айбдорлар А.Жалиловдан 150 минг сўм, Б.Мамажоновдан 50 минг сўм ундирилиши ҳақида ҳал қилувчи қарор чиқарилади.

Қарор ўз йўлига. Аммо ҳуқуқий жамият барпо бўлаётган бир пайтда содир этилган қонунбузарликлар кишини ўйлантириши табиий. Шу пайт давлатимиз раҳбарининг зикр қилинган сессиядаги ҳуқуқтартибот ходимларини ҳушёрликка чақирувчи куйидаги гаплари қулөгимиз остида жангалаётгандек бўлади: «мансабдор шахс - у прорукор бўлади, суд ёки милиция, бошқа маъмурий ташкилотнинг вакили бўлади - уларнинг орасида форма кийиб, давлат номидан ҳуққронлик қиладиган, ўзини йўқотиб, оёғи ердан узилиб, эл-юрт олдидида маъсулиятини, ўзи қаердан, қайси қишлоқ-шаҳардан чиққанини унутган одамлар пайдо бўлса, шунинг билан бир улар шу соҳада ҳалол ишлаётган минг-мигда ҳодимларнинг обрўсига путур етказиши ва уларнинг халқ ишончлини қозониш учун қилаётган меҳнатини йўққа чиқаради».

Мирзоят ИҲЛОШЕВ, Қўрғонтепа туман ҳуқуқий масолаҳатхона мудири, адвокат. Собиржон РЎЗИМТОВ, «Ишонч» муҳбири.

Шарҳловчи минбари ТЕЛ-АВИВ ЯНА НОТИНЧ

Исроил пойтахтида йирик террорчилик амалга оширилди. Яқинба кунни кечқурун икки нафар террорчи шаҳардаги эски автобус ҳўбекатида кучли портловчи мосламани ҳаракатга келтирди. Дастлабки маълумотларга қараганда, портлаш оқибатида йигирмадан зиёд одам ҳалок бўлган, юзга яқин киши жароҳатланган.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, ҳозиргача жароҳатланганларнинг сони тўла аниқлангани йўқ. Бунга уларнинг ақсарияти ноқонуний муҳожир ишчилар бўлгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Аввалроқ полиция шаҳардаги ноқонуний муҳожирларнинг ушлаш учун шохбекат худудига текширув ўтказганди. Шу боис жабранланларнинг кўпчилиги мамлакатдан чиқариб юборилишдан қўрқиб, шифохонага мурожаат қилишга ботина олмапти.

Айни пайтда ушбу террорчиликка жавобан, Исроил ҳарбийлари йирик тадбирларни бошлаб юборган. Ҳарбий вертолётлар Фаластин мухториятининг Ғазо шаҳридаги маъмурий бинони ўққа тўтди. Исроил радиосининг маълум қилишича, бино ёнида икки киши ҳалок бўлган. Шунингдек, кузатувчиларнинг таъкидлашича, Рафаҳ шаҳри яқинида жойлашган Фаластин қочқинлари лагери атрофида ҳам Исроил ҳарбийларининг катта гуруҳи йирилмоқда.

Куддусда эса беш вақир Ариэл Шарон раҳбарлигида мамлакат хавфсизлик маҳкамалари раҳбарларининг тезкор мажлиси чақирилди. Унда террорчиликка қарши жавоб чоралари муҳокама қилинди. Ҳазирча, мажлис ақунлари ҳақида гап кетмасе-да, бошқа расмий кишилар Ғазо минтақасида кенг қамровли ҳарбий тадбирлар ўтказиш лозимлигини айтгани хабар қилинмоқда. Йордан дарёсининг ғарбий қирғоғи эса аввалдан ҳарбийлар томонидан тўлиқ ўраб олинган эди.

Айрим экспертлар Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арафотни қувгин қилиш госянин илгари сурмоқда. Бироқ бу фикр буйича қандай қарор келингани ҳақида хабар берилмаяпти. Исроиллик мутахассисларнинг фикрича, ҳарбийларнинг бу гапли зарбалари асосан Фаластиндаги террорчи ташкилотларнинг моливий тармоқларига берилади.

Кейинроқ маълум бўлишича, Исроил ҳукумати мажлисда Фаластин раҳбарияти вакилларининг мухториятини ислоҳ қилиш борасида Лондонда бўлиб ўтқандиган музокараларга боришига руҳсат бермасликка қарор қилган. Шунингдек, ушбу тор доирадаги мажлис иштирокчилари қарори билан Фаластиндаги учта университет ёпиб қўйиладиган бўлди. Фаластин раҳбарияти аъзоларининг ҳаракатлинишига нисбатан ҳам муайян чекловлар жорий қилинади.

Тел-Авивда уюштирилган кўпуровчиликни халққорам хамжамият бир овоздан қораламоқда. Кўпглаб давлатлар ҳукуматлари вакиллари Яқин Шарқ муаммосини фақат тинч, босқинчи-босқинч музокаралар йўли билан ҳал этиш мумкинлигини таъкидламоқда. АҚШ президенти Жорж Буш Ариэл Шаронга ҳамдардлик билдиран экан, Оқ уй Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилганга қаратилган барча сазй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашни маълум қилди.

С. РАҲИМОВ, Ўза Шарҳловчиси

ЎЗ МОЛИНИНГ «ЎҒРИСИ»

қонунбузарликларнинг авваламбор, маъмурий-ҳуқуқ-тартибот органларининг томонидан содир этилиши асло йўл қўйиб бўлмайдиган ва давлат ҳокимияти идораларининг вакилларини обрўсизлантирадиган, халқимизнинг уларга бўлган ишончлини йўқотадиган ҳолатлар деб баҳолаш даркор».

Мавзуга қайтайлик. Шундай қилиб оила рўзғорига яраб турган говмишдан айрилади. Устига-устак жарима ҳам тўланади. Оқибатда Н.Иномжонов божхоначиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати ҳақида Қўрғонтепа туман жиноий ишлар бўйича судига ҳимоя қилинишини сўраб даъво аризаси киритади.

Ҳақ жойида қарор топади, дейди халқимиз. Ўз касбининг фидойилари бўлган қонун посбонлари қили киққ ёришга киришдилар. Асосан қарор А.Тўраев раислигида суд мажлисининг чиғириндан ўтмайди. Н.Иномжоновни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги зўрма-

қонунбузарликларнинг авваламбор, маъмурий-ҳуқуқ-тартибот органларининг томонидан содир этилиши асло йўл қўйиб бўлмайдиган ва давлат ҳокимияти идораларининг вакилларини обрўсизлантирадиган, халқимизнинг уларга бўлган ишончлини йўқотадиган ҳолатлар деб баҳолаш даркор».

Маънавият

СОЛИҚ МУЗЕЙИ

ташвиқот ишларини олиб боришда муҳим рол ўйнамоқда

Солиқлар халқимиз фаровонлигига, бунёдкорлик ишларининг ривожига, тadbиркорликнинг тараккиётига хизмат қилади. Намунали хизматни ташкил этиш ва тўловларнинг ўз вақтида тўла-нишини йўлга қўйиш эса солиқ олувчидан ҳам, тўловчидан ҳам юксак малакани талаб этади. Бу борада Хива туман давлат солиқ инспекцияси солиқ тўловчилар ўртасида тарғибот-маърифат ишларининг турли шакл ва усулларидан фойдаланилмоқда.

чилик тарихидан сўзловчи экспонатлар жой олган. Маърифат ва маънавий хонаси ташкил қилинган. Шунингдек, бу ерда Хоразмнинг биринчи молиячилари фаолияти ёритилган кўргазмалар ҳам мавжуд.

Табиийки, бугун кўпчиликнинг солиқ билан боғлиқ ўзига яраша муаммоси, қизиқтирган масаласи бор. Шунинг учун ҳам соҳа янгиликларидан аҳолини хабардор этиб бориш катта аҳамият касб этади. Туман давлат солиқ инспекциясида ҳафтанинг ҳар шанба куни «Очиқ эшиклар куни» деб эълон қилинган. Шунингдек, хизмат соҳасини такомиллаштиришга йўналтирилган яна бир тадбир – иқтисодий ва маърифий соҳатлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Мазкур тадбирларда таниқли иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, адабиёт ва

Музей раҳбари Жамила Мадраҳимова ташаббуси билан бу ерда «Солиқ ходимининг маънавий қиёфаси», «Оила ва маънавият», «Иймон-эътиқод ва ҳидоят» каби мавзуларда суҳбатлар ҳамда иқтисодий ўқув машғулоти ўтказилмоқда. Солиқ, солиқчи, солиқ тўловчи каби учлик ўзаро қонуний бир-бирини яхши англай олмагани соҳада ривожланиш бўлиши мумкин. Бундан туман давлат солиқ инспекцияси музейида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари яхши самара бераётганлиги аниқ. **Болабобов ЭРНАСОБОВ, «Ишонч» мухбири.**



Суратларда: тadbирдан лавҳалар. Н.СОЛИҚОВА олган суратлар.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 200-сон мактаб-лицейда 6-синф ўқувчиларининг анъанавий мучал тўйи бўлиб ўтди. Унда иштирок этган 12 ёшли ўқувчилар ўзлари ижро этган куй ва кўшиқлар ҳамда турли чиқишлар билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Касаба уюшма спорти

ҒАЛАБА ЗАФАРЛАРГА УНДАЙДИ

Ўрта асрлардан бошлаб Марказий Осиё халқлари ҳарб санъатида спортнинг яққакураш турларидан кенг фойдаланганлар. Хусусан, соҳибқирон Амир Темур лашкарлари турон яққакураши услубларини қўллаганликлари тарихдан маълум. Афсуски, ўтган аср охирига келиб у деярли ёддан кўтарилди. Истиклол йилларида эса турон яққакураши республикамизда тез суръатлар билан ривожланиб борди. Ҳозирги кунда барча вилоятларда ушбу спорт тури бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Айниқса, Тошкент вилояти Турон федерацияси олиб бораётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Пойтахт вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли Тошкент туман қишлоқ спорт мактабида 2000 йилда турон яққакураш бўлими очилди. Шундан сўнг Қибрай, Зангиота, Янгиўл туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежидан ҳам ана шундай бўлимлар ўз фаолиятини бошлади. Айни пайтда малакали мураббийлар, фидойи мутаассадилар сазой-ҳаракати билан мазкур спорт даргоҳларида тарбияланаётган ёш ўғил-қизлар ўз маҳоратларини ошира бориб, нуфузли мусоба-

қаларда қатнашиб келмоқдалар. Мисол учун, шу йилнинг 6-8 ноябр кунлари Навоий шаҳрида 1985-1986 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчилигида пойтахт вилоятилик турончилар муносиб иштирок этишди. 10 та вазн тоифасида ўтган қизгин курашларда Дилмурод Абдукаримов (45 кг вазнда) ва Рустам Умаров (70 кг)лар республика чемпиони бўлди. Фаррух Шотуллаев ва Шоҳида Холпетова эса фахрий II ўринни эгалладилар. Умумжамоа ҳисобида ҳам вилоят жамоаси II ўринни қўлга киритди. 21-22 декабр кунлари

Яққакураш спорт турлари сирларини эгаллаш учун кишидан меҳнатсеварлик, сабр-матонатли бўлиш талаб этилади. Фолиблик шохсупасида чемпионлик медалини тақш учун бош эгиб турган спортчининг кўздаги қувонч ёшлари ана шундай заҳмат ҳосиласидир. Дарвоқе, бундай ғалабалар спортчи қалбидан Ватанга, эл-юртга, устозларга нисбатан миннатдорчилик туйғуларини шакллантиради, чеккан барча машаққатлари унут бўлиб, янги марра сари курашга чорлайди. **Саидориф ПҮЛАТОВ.**

ҚОРБОБО КУБОГИ

Самарқанд шаҳрида каратэ бўйича «Қорбобо кубоги-2003» халқаро мусобақаси бўлиб ўтди. Еттинчи бор ўтказилаётган мазкур анъанавий спорт мусобақасида мамлакатимиз вилоятлари ҳамда Қозоғистон Республикасидан келган уч юзга яқин каратэчи иштирок этди. Қизгин олишувларга бой бўлган мусобақадан умумжамоа ҳисобида самарқандлик каратэчилар биринчи, Тошкент вилояти вакиллари иккинчи, қозоғистонлик спортчилар эса учинчи ўринни қўлга киритди.



Билиб қўйган яхши

СУЗМАНИНГ ФОЙДАСИ

Сузманинг фойдаси катта. Чунки у тананинг оксилга бўлган талабини бемалол қондиради. Суздамада оксил киши танасида ёғнинг бир мезъарида сингишига имкон беради. Суздама пурин моддалари йўқлиги сабабли у жигар фаолиятини ва модда алмашинувини осонлаштиради. Унинг таркибида сут ёғи, каротин, таноферон каби витаминлар ва минерал тузлар бор. Минерал тузлардан кальций тузи танага яхши сингади. Шу сабабли болалар, ҳомиладор аёллар сузма истеъмол қилиб туришлари керак. Сузма яллиғланишларни ва турли шишларни даволашда қўлланади. Шунингдек, жигар ва парিশонко-тирлик касалликларида ҳам фойда қилади. Одатда суздама сут кислотаси ҳосил қиладиган бактериялар тез кўпаяди. У иссиқ хонада турса, ачиди, тахир бўлиб қолган сузмани емаслик керак.

СУТ ИЧИНГ, СОҒЛОМ БҮЛАСИЗ

Сут — кальцийнинг қимматли манбаи бўлиб, суяқлар мўртлигини бартараф этади. Бу хавф 40 ёшдан кейин кўпчиликка соя солади. Кунига бир неча стакан сут бу муаммони ҳал этади. Сут ва сут маҳсулотлари таркибида киши танаси учун зарур бўлган барча озиқ-овқат ва биологик фаол моддалар борлиги билан бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидан фарқ қилади. Сутнинг таркиби мураккаб бўлиб, унда тана учун зарур бўлган 100 дан ортиқ озиқ моддалар: ёғ, кислоталар, витаминлар, қанд, турли минерал тузлар, гормонлар бор.

Сут ва сут маҳсулотлари турли касалликлар, айниқса юрак, қон-томир ва асаб тизимлари, жигар, ошқозон-ичак тизими, меъда ости бези, ўт йўллари билан оғирган беморларнинг оқватланишида қўллаб ишлатилади. Олимларнинг исботлашича, микроблар орасида, айниқса, ачитки фойдали ҳисобланади. Сут кислотаси ҳосил қилувчи бактериялар эса алоҳида аҳамиятга эга. Бу микробларни сутга қўйиш натижасида бир қанча сут маҳсулотлари тайёрланади. Бундан ташқари оксилларни фойдали аминокислоталарга бўлиб ташлайди, маҳсулотда оқват ҳазм бўлишини осонлаштирувчи органик моддаларни тўплайди ва дармон-дорилар билан бойитади. **А.АЛИЕВ**

«Умид ниҳоллари»

ЎҚУВЧИЛАР БЕЛЛАШМОҚДА

Нукусда мактаб ўқувчилари орасида ўтказилаётган анъанавий «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаси Қорақалпоғистон Республикаси босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Спортнинг 12 тури бўйича беллашувларда уч мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этмоқда. Миллий кураш бўйича мусобақалар Нукусдаги «Кураш» спорт саройида, енгил атлетика беллашувлари «Турон» ўйингоҳида, футбол, волейбол, баскетбол, шохмат-шашка мусобақалари коллежларнинг спорт залларида ўтказилмоқда. Тантанали маросимда мусобақанинг дастлабки 7 тури бўйича аниқланган ғолибларга совринлар топширилди. Улар «Умид ниҳоллари» мусобақасининг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Спортнинг яна беш тури бўйича мусобақалар давом этмоқда. **(ЎЗА)**

Эшитдингизми, ўқидингизми?

Янги йилда республикамиз радиостанциялари сони яна биттага кўпайди. Шу йилнинг 4 январидан бошлаб FM 88,4 MHz тўлиқинида «Наврўз» радиоси эфирга чиқди. Янги радионинг муассислари Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Наврўз-ПТК» фирмасидир.

«НАВРЎЗ» - ЯНГИ РАДИО!

ЎЗА мухбирига маълум қилишларича, «Наврўз» радиостанциясини ташкил этишдан мақсад республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий ва маданий ҳаёти янгиликларини тезкор тарзда тингловчига етказиш, мамлакатимиз ва жаҳон миқёсидаги воқеаларни кенг шарҳлаб боришдан иборат. Шунингдек, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ва унинг таркибий тузилмалари амалга ошираётган хайрли тadbирлар ҳақида мунтазам ахборот бериш, халқимиз маънавий қадриятлари ва маданий анъаналарини тарғиб этиш, миллий мумтоз кўшиқлар ҳамда жаҳон ва ўзбек эстрадаси янги намуналари билан тингловчиларни мунтазам таништириб бориш кўзда тутилган. Таъкидлаш жоизки, «Наврўз» билан бирга республикамиз пойтахтида FM тўлиқинларида эфирга чиқётган радиостанциялар сонини учтага етди.

Футбол мухлислари, сизлар учун!

ХII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ ЎЙИНЛАРИ

БИРИНЧИ ДАВРА

Table with 6 columns listing football matches for the first round of the XII National Championship. Columns include match number, date, and participating teams.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош мухаррир ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Мирғиёс Қаюмов (бош муҳаррир), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлиmlари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.15

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.